

## ХАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ БҮЙИЧА ШАРТНОМА

156/22-сон

Ташкент ш.

30.06.2022 йил

“SQB Construction” МЧЖ (кейинги ўринларда – Ижрочи) помидан 2021 йилнинг 16 апрелидаги 1-сонли ишончнома асосида иш юритувчи директор ўринбосари Л. Хакимов, бир тарафдан ва “O'zenergosozlash” МЧЖ (кейинги ўринларда – Буюртмачи) помидан Устав асосида иш юритувчи Директор У.И. Ибрагимов, иккинчи тарафдан, биргалиқда “Тарафлар” деб аталувчи мазкур шахслар қуидагилар түгрисида ушбу Шартномани туздилар:

### 1.Шартнома предмети

1.1. Ушбу Шартнома бўйича Ижрочи, Давлат харидлари порталининг **23.06.2022** йил энг яхши таклиф №9154464 сонли лот ғолиби сифатида Буюртмачининг топшириғига асосан Шартноманинг 1.2-бандида қайт этилган Буюртмачининг обьектида бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун назорат ўлчовини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар (кейинги ўринларда -Хизматлар) кўрсатиш, Буюртмачи эса кўрсатилган хизматларни ўз вактида қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Кўрсатиладиган хизмат номи: “Ўзэнергосозлам” МЧЖни 4 қаватли биносини том ва фасадида бажарилган таъмирларишларини назорат ўлчовидан ўтказиш

1.3. Ижрочи ушбу Шартнома бўйича Хизматлар кўрсатишда қурилиш соҳасига оид амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатлари ҳамда Ижрочининг ички меъёрий хужжатларига асосланади.

1.4. Хизматлар Буюртмачи томонидан ушбу Шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилгандан ҳамда Шартноманинг 2-иловасида келтирилган Рўйхатга асосан хужжатлар тақдим этилгандан бошлаб 60 календар кун ичида кўрсатилади. Ижрочи Хизматларни муддатидан олдин кўрсатиш хукукига эга.

Буюртмачининг айби билан хужжатларнинг (2-илова) тақдим этилиши кечиккан тақдирда, Шартнома бўйича Хизматларнинг кўрсатилиш муддати кечиктирилган даврга мутаносиб равишда узайтирилиши мумкин.

### 2.Тарафларнинг хукуқ ва мажбурияйтлари

2.1. Ижрочининг мажбурияйтлари:

2.1.1. Хизматларни тўлик ва ушбу Шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда кўрсатиш.

2.1.2. Буюртмачининг талабига кўра, агар хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочи Шартнома шартларидан честга чиқсан бўлса, аниқланган камчиликларни 5 календар куни ичида бартараф этиш.

2.1.3. Хизматларни ўз кучи билан, Буюртмачининг ёзма розилигисиз бошқа юридик тахсларни жалб этмаган ҳолда амалга оширит.

2.1.4. Назорат ўлчови натижалари бўйича Буюртмачига ёзма равишда назорат ўлчовига оид материалларни ҳамда топшириш-қабул қилиши далолатномасини ва ҳисоб-фактурани топшириш.

2.1.5. Шартноманинг 6-бўлимида назарда тутилган ҳолатларга кўра Хизматларни кўрсатиш имконияти бўлмаган тақдирда, ўзининг ҳақиқатда амалга оширган харажатлари суммасини чегириб қолган ҳолда, олдиндан тўлов суммасини Буюртмачига қайтариш бериш.

2.2. Ижрочининг хукуқлари:

2.2.1. Буюртмачи томонидан ушбу Шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, мазкур Шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан хужжатларнинг ўз вақтида тақдим этилгач хизмат кўрсатишни бошлини.

2.2.2. Буюртмачидан белгиланган тартибда назорат ўлчовини ўтказиш учун мазкур Шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан зарур бўладиган тўлиқ ва аниқ хужжатларни талаб қилиб олиш.

2.2.3. Ўз ишини мустақил ташкил этиш, Хизмат кўрсатиш усулларини ҳамда мутахассислар таркибини танлаш.

2.2.4. Хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган саволлар бўйича Буюртмачининг масъул шахсларидан тушунтиришлар олиш.

2.2.5. Буюртмачининг розилиги билан Хизматларни кўрсатиш учун учинчи шахсларни жалб қилиш.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Ушбу Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатиб ўтилган тартибда хизматлар учун ҳақ тўлаши.

2.3.2. Ижрочининг талабига асосан мазкур Шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхат бўйича хужжатларни тўлиқ ҳажмда назорат ўлчовларини ўтказиш муддатидаги тақдим этиш.

2.3.3. Ўз ходимлари ва пудратчилар вакилларининг ўлчов назоратини ўтказиш жараёнида қатнашишдан асоссиз равишда бош тортиши, ушбу Шартнома бўйича Хизматларни кўрсатмасликка сабаб бўла олмайди.

2.3.4. Ижрочини автотранспорт воситаси, офис хонаси ҳамда зарур ҳолларда Ижрочи вакилининг асосий иш жойи жойлашган манзил шаҳар ёки аҳоли яшаш пунктидан ташқарида жойлашган тақдирда хизматлар кўрсатиладиган давр учун вақтинчалик яшаш жойи билан таъминланиш.

2.3.5. Ижроидан Топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан эътиборан 5 кун давомида кўрсатилган Хизматлар натижаларини қабул қилиш ёки ўзининг асослантирилган эътиrozларини билдириши (мавжуд бўлса).

2.4. Буюртмачининг хукуқлари:

2.4.1. Исталган пайтда Ижрочи томонидан кўрсатилаётган Хизматларнинг амалга оширилиши ва сифатини унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда текшириш.

2.4.2. Ижроидан назорат ўлчови материалларини, ушбу Шартноманинг бажарилиши ваижроси натижалари бўйича маълумотларни талаб қилиш ва олиш.

2.4.3. Объектда бажарилган курилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчови амалга оширилиши жараёнида қатнашиш.

### **3. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур Шартноманинг 1-иловасида келтирилган ҳисоб-китобларга кўра Шартноманинг умумий қиймати 15% КҶСни ҳисобга олган ҳолда **10 350 000** (ўн миллион уч юз эллик минг) ташкил этади.

3.2. Буюртмачи, Тарафлар ушбу Шартномани имзолаган кундан бошлиб Буюртмачи 10 (ўн) банк иш куни давомида Шартнома умумий қийматидан **15 %** микдоридаги олдиндан тўлов (бўнек) ни Ижрочининг ҳисоб ракамига ўтказиб бериш мажбуриятини олади. Шартнома қийматининг колган кисми кўрсатиладиган Хизматлар (бажарилган ишлар) юзасидан расмийлаштириладиган Бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура имзоланган кундан бошлиб 5 (беш) банк иш куни ичида тўлаб берилади.

### **4. Хизматлар (ишлар)ни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Хизматлар кўрсатилган (ишлар бажарилганидан)дан сўнг Ижрочи Буюртмачига тасдиқланмаган (имзо ва муҳр қўйилмаган) Назорат ўлчови далолатномаси электрон вариантини (ёки нусхаси) кўрсатилган Хизматлар (бажарилган ишлар)ни Топшириш-қабул қилиш далолатномасига илова қилинган ҳолда тақдим этади. Буюртмачи кўрсатилган Хизматлар (бажарилган ишлар)ни, назорат ўлчови далолатномаси электрон варианти (ёки нусхаси)ни Топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан Ижроидан олган санадан бошлиб 5 (беш) календарь кун давомида танишиб чиқиб қабул қилиш

равишида бош тортса ҳамда бош тортиш сабабини ёзма равишида асослаб бермаса, кўрсатилган Хизматлар (бажарилган ишлар) Буюртмачи томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

4.3. Ижрочи хизмат кўрсатиш жараёнида Хизмат кўрсатишни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки Хизмат кўрсатишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлаган тақдирда бу ҳақда Буюртмачига олдиндан хабар бериши ва зарурий чораларни кўриши лозим.

4.4. Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан кўрсатилган Хизматлар (бажарилган ишлар) бўйича Бажарилган ишлар далолатномаси имзоланганидан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

4.5. Назорат ўлчови далолатномасининг асл нусхаси Буюртмачи ва Пудратчига, мазкур Шартнома бўйича Хизматлар ҳақи (Шартнома қиймати) Ижрочининг ҳисоб рақамига тўлиқ ҳажмда келиб тушганидан сўнг тақдим этилади.

## 5. Махфийлик

5.1. Тарафлар ушбу Шартноманинг мавжудлиги ва мазмуни, шунингдек ушбу Шартнома доирасида Тарафларнинг ҳар бирига тақдим этилган ҳар қандай маълумотларни сир сақлаш мажбуриятини олади.

5.2. Тарафлар иккинчи Тарафнинг олдиндан берилган ёзма розилигисиз учинчи шахсларга маълумотларни тўлиқ ёки қисман ошкор этмаслик мажбуриятини олади.

5.3. Ушбу шарт бошқа шахслар томонидан олиниши мумкин бўлган маълумотларга тегишли эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўзда тутилган айрим ҳолатлар бундан мустасно.

## 6. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан, Тарафлар, агар бу фавқулодда вазиятлар оқибатида юзага келганигини исботласалар, озод қилинадилар. Фавқулодда вазиятлар бўлиб, пандемия, ер силкиниши, ёнғин, кучли шамол, фуқаролар тартибсизлиги, иш ташлап, давлат органлари актлари, ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар ва бошқалар ҳисобланади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келганда, мажбуриятларни бажариш муддати ушбу Форс-мажор ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари ҳаракатда бўлган даврга мос равишида узайтирилади.

6.3. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар бошланиши ва тугаши тўғрисида бир-бирларини зудлик билан ёзма равишида хабардор килишлари лозим.

6.4. Форс-мажор содир бўлганлитини рўкач қиласиган Тараф тегишли давлат идорасидан ушбу ҳолатни тасдиқловчи хужжатни иккинчи Тарафга тақдим этишига мажбурдир.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ти Қонунига мувофиқ жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлардан бири шартномавий мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу Тараф бошқа Тарафга етказилган зарарни тўлайди.

7.3. Хизматлар кўрсатилиши учун Буюртмачи томонидан тақдим этилган хужжатларнинг ҳаққонийлигига Ижрочи жавобгар эмас.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва унинг бекор қилиниши тартиби

8.1. Ушбу Шартнома Тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва томонларнинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қиласди.

8.2. Ижрочи Буюртмачи томонидан қуйидаги шартлар бажарилмаган тақдирда олдиндан тўлов (бўнак) ни қайтармаган ҳолда Шартномани бекор қилишни талаб қилиш хукуқига эга:

- Хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган хужжатларни тўлиқ ва керакли ҳажмда тақдим этмаганда;

- пудратчи ташкилотларнинг қатнашишларини таъмииламаганда;

- Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра хизмат кўрсатишни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатилганда.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда Шартномани бекор қилишини талаб қилиш хукуқига эга:

- Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан хизмат кўрсатишни бошлаш 30 иш кунига кечикирилганда;

- Шартномада кўрсатилган муддатга нисбатан хизмат кўрсатишни тутатиш муддатининг Ижрочининг айби билан 1 ойдан ортиқ муддатга узайтирилганда.

8.4. Ушбу Шартнома Тарафлардан ҳар бирининг ташаббуси билан, иккинчи Тарафни 5(беш) календарь кун олдин ёзма равишда хабардор қилгандан ҳолда бекор қилиниши мумкин.

## **9. Низоларни ҳал этиш тартиби**

9.1. Ушбу Шартномани бажарилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар имкон қадар Тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9.2. Тарафлар низоларни бартараф этишининг судгача бўлган барча чораларни кўргандан сўнг ҳам низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

## **10. Якуний қоидалар**

10.1. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўпимчалар улар ёзма равишда тузилган ва Тарафларниң ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина хақиқий хисобланади. Ушбу Шартномага барча иловалар Шартноманинг ажralmas қисми бўлиб хисобланади.

10.2. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича кўзда тутилмаган барча ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ҳаракат қиласидар.

10.3. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада ўзбек тилида тузилди ва Тарафларниң ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

## **11. Томонларниң манзиллари ва банк реквизитлари:**

### **“Буюргмачи”**

### **“O'zenergosozlash” МЧЖ**

Манзил: Бунёдкор шох кўчаси 23

Банк: O'zsanoatqurilishbank  
Qatortol filiali

X/p: 2020 8000 7001 2497 9001

МФО: 00426

СТИР: 200 796 738

ИФУТ: 33140

Тел.: 71 276-03-43

### **“Ижрочи”**

### **“SQB CONSTRUCTION” МЧЖ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,  
Абай кўчаси, 10А-уй

Тошкент ш.

Банк: “ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК” АТБ  
Лабзак филиали

X/p: 2020 8000 9051 4315 0001

МФО: 00442

СТИР: 306 859 967

ИФУТ: 41201

Тел.: (71) 244-51-05, 99 116-90-90

Директор \_\_\_\_\_  
У.И. Ибрагимов

Директор ўринбосари \_\_\_\_\_  
Л. Хакимов



30.06.2022 даги  
156/22-сонли ҳақ эвазига хизмат қўрсатим  
бўйича шартномага  
1-Илова

**Кўрсатиладиган хизматлар баҳосининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Иш ва хизматлар номи	Иш ва хизматлар ҳажми (сўм)	Тариф ставкаси %	Кўрсатиладиган хизматлар баҳоси (сўм)	ҚҚС суммаси (сўм)	Кўрсатиладиган хизматлар баҳоси (ҚҚС билан) (сўм)
1	2	3	4=2*3	5=4*0,15	6=4+5
“Ўзэнергосозлаш” МЧЖни 4 каватли биносини том ва фасадида бажарилган таъмирлаш ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш			9 000 000	1 350 000	10 350 000
Жами					10 350 000

**“Буюртмачи”  
“O'zenergosozlash” МЧЖ**

Директор \_\_\_\_\_  
У.И. Ибрагимов

**“Ижрочи”  
“SQB CONSTRUCTION” МЧЖ**

Директор ўринбосари  
Л. Хакимов



30.06.2022 даги  
156/22-сонли ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш  
бўйича шартномага  
2-Илова

**Назорат ўлчови ўтказиш учун буюртмачи томонидан тақдим этилиши  
лозим бўлган хужжатлар рўйхати**

1. Буюртмачи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш ҳукуқини берувчи бўйруқ.
2. Курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун асос бўлган хужжатлар.
3. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
4. Лойихалашга топшириқ ва нуқсон далолатномасини инобаттга олган лойиха-смета ҳужжатлари (ЛСХ).
5. ЛСХга ноидоравий экспертиза ташкилотининг эксперт ҳолосаси.
6. Курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
7. Ишлар тури бўйича таснифланган расшифровка қилинган бажарилган курилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
8. Кўзга кўринмайдиган (ёпик) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга яроқли бўлган курилиш материаллари кирим ҳужжатлари.
9. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
10. Танлов савдоларида голиб чиқсан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобаттга олган ҳолда), голиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий холларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
11. Иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йиғмаси (электрон кўринишида).

**Назорат ўлчови ўтказиш учун пудратчи томонидан тақдим этилиши  
лозим бўлган хужжатлар рўйхати**

1. Пудратчи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш ҳукуқини берувчи бўйруқ.
2. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
3. Курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
4. Ишлар тури бўйича таснифланган бажарилган курилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
5. Ишлатилган курилиш материаллари бўйича юк хатлари ва ҳисоб-фактуралар.
6. Тайёрланган ва курилишда ишлатилган материаллар ва конструкциялар бўйича калькуляциялар.
7. Пудрат ташкилотининг бошқа ҳаражатлари ҳисоб-китоблари.
8. Транспорт ва омбор ҳаражатларига ҳисоб-китоблар.
9. Кўзга кўринмайдиган (ёпик) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга яроқли бўлган курилиш материаллари кирим ҳужжатлари.
10. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
11. Танлов савдоларида голиб чиқсан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобаттга олган ҳолда), голиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий холларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
12. Иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йиғмаси (электрон кўринишида).

**“Буюртмачи”  
“O'zenergosozlash” МЧЖ**

Директор \_\_\_\_\_  
У.И. Ибрагимов

**“Ижрочи”  
“SQB CONSTRUCTION” МЧЖ**

Директор ўринбосари  
Л. Хакимов

